*Мамлакатимизда парламентнинг Қонунчилик палатасига сайловлар яқинлашгани сари халқаро ҳамжамият нигоҳи юртимизга қаратилмоқда. Жаҳоннинг турли оммавий ахборот воситаларида бу муҳим сана билан боғлиқ кўплаб мақолалар босилмоқда. Дунёнинг таниқли давлат арбоблари, дипломатлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.*

# САЙЛОВОЛДИ ЖАРАЁНЛАР ХОРИЖ НИГОҲИДА

"Ўзбекистон фуқароларининг луғати "Сенат" ва "Қонунчилик палатаси" деган атамалар билан бойимоқда, — дея бошланади "Газета СНГ.ru" сайтида берилган "Ҳаққоний сайлов қонун билан кафолатланган" сарлавҳали мақола. — Айни дамларда сайловолди учрашувлар ўтказаётган номзодлар тарғибот-ташвиқот ишларини ҳар жиҳатдан эркин олиб боришмоқда. Бу эса ҳар бир овоз учун қизғин кураш авж олаётганидан дарак беради."

«Иккинчи чақириқ депутатлари ўтган беш йил давомида катта ишларни амалга оширдилар. Ўтказилган парламент сессияларида 94 та қонун қабул қилинди, 307 та қарор чиқарилди, 55 та халқаро келишувларни ратификация қилди», — дейилади РИА "Новости" тарқатган хабарда.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналари Қонунчилик палатасига сайловлар арафасида брифинглар ташкил қилмоқда. Хусусан, АҚШда ўтказилган тадбирда Америка Давлат департаменти, Конгресси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда либераллаштириш жараёни фаол кечаётгани ҳамда сайловлар қонуний ўтказилишига катта тайёргарлик кўрилаётганлигига йиғилганлар эътиборини қаратди. Жумладан, UPIнинг таниқли журналисти Жон Дейли мамлакатимизга қилган ташрифи чоғида сайловга қизғин тайёргарлик кўрилаётганлигига гувоҳ бўлганлигини таъкидлади. "Ўзбекистонликларнинг сайлов кампанияларида фаол иштирок этиши, жамиятда эркин сиёсий муҳит яратилаётганлигидан далолатдир, — деди американлик журналист.— Ўзбекистон парламентида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳар жиҳатдан халқаро талабларга тўла жавоб беради ва бу интилишлар мамлакат ҳаётида муҳим ижобий ўзгаришлар ясашига ишонаман."

Брифингда сўзга чиққан АҚШ Миллий матбуот клуби вице-президенти П. Хикман юртимизга келган чоғда ёшларимизнинг сиёсий фаоллик даражаси юқорилиги уни ҳайратга солганини яшириб ўтирмади.

26 декабрь санаси яқинлашгани сари турли мамлакатлар парламенти вакиллари ҳам ушбу воқеага ўз муносабатларини билдиришмоқда. Бельгия қонунчилик органи Вакиллик палатасининг ташқи ишлар бўйича комиссия раиси Карел Пинкстен Тошкентда "Парламентаризм: хорижий давлатлар тажрибаси" халқаро анжуманида иштирок этиб, ўз ватанига қайтгач, сайловларга тайёргарлик жараёнини юқори баҳолади ҳамда бўлажак парламент билан яқиндан ҳамкорлик қилишга умид билдирди.

Италия ташқи ишлар маҳкамаси маслаҳатчи-вазири, ЕХҲТдаги доимий элчи Гвидо Ленци Римда мамлакатимиз парламентига сайловларга бағишланган давра суҳбатида қатнашиб, янги мустақил давлатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар сари интилиши кузатилаётгани ва ушбу жараён ривожланган давлатлар тарафидан қўллаб-қувватланиши зарурлигини қайд этди.

Бундан ташқари, интернетдаги бир қанча сайтларда Ўзбекистонда кутилаётган сайловлар билан боғлиқ қатор мақолалар берилмоқда. Бу каби чиқишлар мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга жаҳон афкор оммасининг қизиқиши юқори эканлигидан далолат беради. Ривожланган давлатлар Ўзбекистоннинг демократия сари қўяётган ҳар бир қадамини қўллаб-қувватлаяпти.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Жакарта осмонида метеорит



Якшанба куни эрталаб Индонезия пойтахти Жакарта осмонида қаттиқ шовқин эшитилди. Бу овоз Ер атмосферасига жуда катта тезлик билан кириб келган ва портлаб кетган метеорит садоси эди, деб хабар беради France Press. Астрономларнинг айтишича, бу Ер ўқидан чиқиб кетган бирор космик аппарат бўлмаган, чунки одамлар фалакда метеоритга хос «дум»ни ҳам кўрганлар.

## Суиқасд бартараф этилди

**Рейтер ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Колумбия хавфсизлик хизмати вакиллари томонидан етти килограмм портловчи модда ортиб кетаётган автомобиль ушланган. Маълумотларга қараганда, бу автомобиль мамлакат раҳбари Альваро Урибега суиқасд қилишни режалаштирган террорчиларга тегишли бўлган.**

**Мазкур суиқасд билан алоқадорликда гумон қилинаётган 3 киши ҳибсга олинди. Гиёҳвандликка қарши аёвсиз кураш олиб бораётган Альваро Урибега қарши бундан олдин ҳам бир неча суиқасд уюштирилган, 2002 йилда эса шундай ҳодиса оқибатида 4 киши ҳалок бўлган эди.**

## Келгуси йилдан умид катта

Исроил Бош вазири Ариэль Шарон Герцлиядаги конференцияда қилган чиқишида 2005 йилда Фаластин-Исроил можаросини ҳал этишда жиддий қадамлар ташланади, деб баёнот берди. Бу ҳақда Ha'aretz газетаси хабарида айтилган. «2005 йилда бизда Исроилдаги вазиятни ўзгартириш учун тарихий имконият юзага келади», деди Шарон ва бунда Исроил қўшинларини Фаластин ҳудудидан олиб чиқиш режаси энг муҳим роль ўйнашини таъкидлади.

Фаластин мухторияти аҳлига мурожаатида, Шарон мухториятга сайловлар ўтишида қўлидан келган ҳар қандай ёрдамни аямаслигини ва Исроил қўшинлари сайлов куни Фаластин шаҳарларидан 72 соатга чиқиб туришини айтди. Бироқ Исроил Бош вазирининг мазкур баёнотлари мухтортиятнинг етакчи сиёсатчилари томонидан яхши кутиб олинмади.

# ОЛАМ НАФАСИ
## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Жиноий иш қўзғатилди

Украина бош прокуратураси Марказий сайлов комиссиясининг айрим аъзоларига нисбатан ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш айби билан жиноий иш қўзғади. Бу мансабдорлар президентлик сайловининг иккинчи турида овозларни атайин нотўғри санаш ва сайлов натижаларини нотўғри эълон қилишда айбланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Украина Олий суди МСКнинг иккинчи тур натижалари ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топган ва амалдаги президент Леонид Кучма мухолифат талаби билан комиссияни тарқатиб юборган эди.

### БМТни эшитишмоқда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женева (Швейцария)даги қароргоҳидаги заллардан бирига махфий эшитиш тизими ўрнатилган экан. Швейцариянинг TSR телеканали тарқатган хабарга кўра, бу ускуналар қароргоҳдаги «Миллатлар саройи»дан кузги таъмирлаш ишлари чоғида топилган. Бу залда кўпинча турли мамлакатлар ва ҳукуматларнинг юқори даражадаги мансабдор шахслари тўпланишади, ҳар чоршанба куни эса БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи билан тўғридан-тўғри видео-конференция алоқаси ўтказилади.

Қароргоҳнинг матбуот котиби Мари Хезе TSR тарқатган хабарни тасдиқлади, бироқ текширувларда бу тизим ким томонидан ўрнатилгани аниқланмаганлигини таъкидлаб ўтди.

***Ўтган ҳафтанинг охирида Европа Иттифоқи билан Туркия ўртасидаги муносабатларда томонлар бир-бирларини яхши тушунишлари борасида ғоятда муҳим қадам қўйилди. Яъни, Туркияни Европа Иттифоқига қабул қилиш юзасидан музокаралар 2005 йил 3 октябрь куни бошланадиган бўлди.***

*Туркия:*

# Европага йўл очиқ

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг шу йил 16 ва 17 декабрь кунлари Брюсселда бўлиб ўтган саммитида шундай қарор қабул қилинди. Жами 25 аъзодан бирортаси ҳам бунга қаршилик кўрсатмади. Ундан олдин бу масала Европарламентда овозга қўйилганида ҳам депутатларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берганди.

Туркия учун бу тарихий аҳамиятга эга бўлган қарор. Чунки бу мамлакат Европа Иттифоқига кириш учун бундан 41 йил олдин, яъни 1963 йилда ариза берган эди. Бу ариза кўп йиллар мобайнида эътиборсиз қолиб кетди. Бунга мамлакат аҳолисининг кўплиги, иқтисодий тараққиёт даражасининг пастлиги, миллий қадриятларнинг европаликлар ҳаёт мезонларига тўғри келмаслиги ва бошқа турли сабабларни баҳона қилиб кўрсатишди. Фақат 1999 йилга келиб, Туркия Европа Иттифоқи аъзолигига расмий номзод сифатида эътироф этилди. Ўтган ҳафтадаги воқеа эса эзгу-мақсад йўлидаги дастлабки ғалаба эди. Шунинг учун ҳам 70 миллионли Туркия аҳолиси Брюсселда тарқалган хушхабарни хурсандчилик билан қарши олишди. Саммитда иштирок этиб қайтган бош вазир Режеп Эрдоғанни Истанбул аҳолиси шоду ҳуррамлик ва олқишлар билан кутиб олди. Анқарада эса бу воқеа умумхалқ байрами сифатида нишонланди.

Шубҳасиз, Брюсселдаги музокаралар осон кечгани йўқ. Туркия Бош вазири Режеп Эрдоған Европа давлатлари раҳбарлари билан жиддий учрашувлар ўтказди, Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Баррозу ҳамда Европа Кенгаши раиси, Нидерландия Бош вазири Ян Петер Балкененде билан қийин музокаралар олиб борди. Аслида бундай саъй-ҳаракатлар бутун йил давомида тўхтамади. Эрдоған ҳар бир суҳбатдошининг қалбига йўл топа олди. Жак Ширак, Герхард Шрёдер, Тони Блэр, Сильвио Берлускони каби Европанинг таниқли давлат арбоблари Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишини ёқлаб келишди. Шунинг учун ҳам қарор қабул қилишда Европа давлатларининг якдиллиги намоён бўлди.

Ўзбекистон Туркия билан нафақат дўстона муносабатлар ўрнатган, балки қардошлик ришталари билан боғланган мамлакат. Шунинг учун ҳам биз ўзбеклар турк биродарларимиз қувончига шерикмиз.

Бироқ ҳақиқатнинг юзига тик қараб, бугун Европа ҳамжамияти томонидан Туркияга билдирилаётган ишонч эртага унинг зиммасига қай даражада масъулият юклашини ҳамда уни қандай синовларга дучор этиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Айтайлик, 2005 йил декабрь ойида бошланадиган музокара қанча вақт, неча йил давом этиши мумкин? Ёки, музокара давомида Туркия олдига қандай шартлар ва талаблар қўйилиши мумкин? Европадаги етакчи давлатларнинг амалдаги раҳбарлари ўзгаргудек бўлса, янги келган раҳбарларнинг бу масалага муносабатлари қандай бўлади? Тўғриси, бу саволларнинг бирортасига ҳам олдиндан жавоб бериб бўлмайди. Буни музокара жараёнидаги вазият кўрсатади. Кузатувчилар музокаралар қарийб ўн йил давом этиши мумкин, деб тахмин қилишмоқда.

*Шарҳловчи минбари*

Европа Иттифоқининг қарори ҳозир жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда. Жумладан, «Индепендент» газетасининг ёзишича, Туркиянинг Европа Иттифоқига қабул қилиниши Европа умумий бозорининг кенгайишига, унинг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашга, иқтисодий тараққиётга, Европа армияси сафини тўлдириш ва қудратини оширишга, мусулмон оламига ўрнатилган кўприк орқали диний қарама-қаршиликнинг олдини олишга ҳамда Европадаги демографик жараёнга ижобий таъсир кўрсатади.

Албатта, бу Туркиянинг келажаги учун ҳам катта аҳамиятга эга. Музокара бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг Еврокомиссия раиси Баррозу таъкидлаб ўтганидек, энди Туркия ишонч билдирган европаликларнинг қалбларини забт этиши зарур. Аввало, Копенгаген меъёрий ўлчовлари асосида ислоҳотлар ўтказишни талаб этади. Шу нарса аниқки, туркияликлар сўнгги йилларда Европа талаблари асосида бир қанча жиддий ислоҳотлар ўтказди. Энди Европага очилган йўл бекилиб қолмаслик чорасини излашлари зарур.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

## Ироқда яна қўпорувчилик



Ироқдаги шиалар учун муқаддас саналган Карбало шаҳрида террорчи портловчи моддалар билан тўлдирилган автомобилни портлатиб юборган. Рейтер ахборот агентлигининг маълум қилишича, террорчилик ҳаракати натижасида 12 киши ҳалок бўлган, 34 киши жароҳатланган. Улар орасида аёллар ва болалар ҳам бор.

Худди шунга ўхшаш хабар Ассошиэйтед Пресс томонидан ҳам тарқатилган. Унда айтилишича, Ан-Нажаф шаҳрида юз берган портлашда 43 нафар одам ҳалок бўлган, жароҳатланганлар эса 95 киши.

## 15 тонна опий топилди

*Афғонистон полицияси томонидан Нанганҳор музофотида ўтказилган махсус рейд чоғида 15 тонна опий топилди. Бундан ташқари, рейд давомида гиёҳванд моддани қайта ишлашда фойдаланиладиган 24 та зичлаш ускунаси ҳам йўқ қилинди. Бу ҳақда Афғонистон ички ишлар вазири Али Жалолийнинг расмий баёнотида маълум қилинган.*

## Махфий кодлар очилди



**Германия махсус хизмати мутахассислари «Ансор ал-Ислом» экстремистик гуруҳи томонидан террорчилик ҳаракатларини тайёрлашда фойдаланиладиган махфий кодларни очишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда жиноий ишлар бўйича маҳаллий бошқарма бошлиғи Франц-Хельмут Шюрхольц маълум қилди. Унинг айтишича, бундай муваффақиятга гуруҳ фаолларидан бирининг қўлга олиниши сабаб бўлган. Текширув давомида немис криминалистлари террорчиларнинг Европадаги вакиллари ўртасидаги янги режалар борасида олиб борилган электрон почта ёзишмаларини аниқлашган.**

## Террорчилар қўлга олинди

**Бошқирдистонда «Ҳизб ут-Таҳрир» экстремистик ташкилотининг 18 аъзоси қўлга олинди. Тафтиш чоғида улардан гранаталар, қўлбола портловчи моддалар, патронлар ва бошқа кўплаб муҳим маълумотлар топилган.**

**«Труд» газетасининг ёзишича, ҳибсга олинганлардан бири Бесланда содир этилган террорчилик актларига алоқадорликда гумон қилинмоқда.**

Азиз юртдошлар, ҳурматли ҳамшаҳарлар!



СИЗ КУНДАЛИК ҲАЁТИНГИЗДА НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧ КЕЛАЯПСИЗМИ?

ДОИМО ЁНИНГИЗДА НАҚД ПУЛ ОЛИБ ЮРИШ МУАММОСИДАН ХАЛОС БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

ХАРИД ҚИЛИШДА ПУЛЛАРИНГИЗ 100 ФОИЗ ХАВФСИЗ БЎЛИШИНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

АГАР БУНИ ИСТАСАНГИЗ «ҒАЛЛАБАНК»КА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЙИРИК БАНКЛАРИДАН БИРИ

РАТБ «ҒАЛЛАБАНК»

келаётган Янги 2005 йилдан бошлаб, юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига барча турдаги тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш имконини берувчи

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«Ғаллабанк» пластик карточкалари бу:

- пулларингиз ишончли сақланиши;
- нақд пуллар ўрнини тўлиқ босиши;
- қўшимча даромад манбаи;
- ҳар қандай тўловлар тезда амалга ошиши ҳамда сизни замон билан ҳамнафас эканлигингиз кафолатидир!

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

«ХАЛҚ БАНКИ»



Мижозларга замонавий банк хизмати турларини жорий этган ҳолда «Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.

Мазкур пластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлардан товарлар ва кўрсатилган хизматларга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.

Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари дахлсизлигини ошириш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.

«Ишонч» ва «Барака» пластик карточкаларига «Халқ банки»нинг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.

«Халқ банки»нинг пластик карточкалари — бу Сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ

### *“ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” ЛОЙИҲАСИ*

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) томонидан “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш” лойиҳасини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасига қарз маблағи ажратилган. Мазкур маблағнинг бир қисми аудиторлик хизматларини молиялаштириш учун сарфланиши кўзда тутилган.**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги ОТБ лойиҳасининг бошқарув гуруҳи (кейинги ўринларда Буюртмачи) аудиторлик хизматлари учун компания ва ташкилотлар малакасини олдиндан аниқлашни амалга оширади. Компанияларни танлаб олиш ва ёллаш “Осиё Тараққиёт банки ва унинг қарздорлари учун маслаҳатчиларни ёллаш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

**Қизиқиш билдирган аудиторлик компаниялари қизиқишлари тўғрисидаги аризани ва қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:**

— *компания тўғрисида қисқа маълумот;*
— *аудиторлик фаолияти бўйича тажриба (Охирги икки йил давомида амалга оширилган лойиҳа ишлари рўйхати, лойиҳа номи ва шакли, буюртмачи, ҳажми ва қийматини ўз ичига олган маълумотларни тақдим этиш сўралади);*
— *ОТБ лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси;*
— *тегишли органларда рўйхатдан ўтказилганлиги ва аудиторлик фаолияти учун лицензия (лицензия/гувоҳнома нусхасини илова қилиш сўралади).*

Буюртмачи қизиқиш тўғрисидаги аризани тайёрлаш ва тақдим этиш юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай харажатларни қоплаш мажбуриятини олмайди.

Қизиқиш тўғрисидаги ариза ҳам инглиз, ҳам рус тилларида 2005 йил 10 январь соат 17.00 га қадар буюртмачининг қуйидаги манзилига тақдим этилиши лозим:

**Ташкилот номи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.**
**Кимга: Иқтисодиёт вазири ўринбосари А.Х. Салимовга.**
**Кўча ва рақами: Ўзбекистон шоҳкўчаси 45-А уй.**
**Шаҳар: Тошкент.**
**Индекс: 700003.**
**Мамлакат: Ўзбекистон Республикаси.**
**Телефон: + 998 71 132-65-13.**
**Факс: + 998 71 132-64-97.**

*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!*

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ



қуйидаги объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш (калити билан) бўйича

### ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**- Жиззах туманининг Бобур номли хўжалигида 600/50 ўкувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши;**
**- Бахмал туманининг Данғара қишлоғида қишлоқ врачлик пункти қурилиши;**
**- Фориш туманининг Мажрум қишлоғида қишлоқ врачлик пункти қурилиши.**

*Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.*
*Манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-31-59, 222-27-05.*
*Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: *Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел./факс: 226-14-66.*

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.**

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*

## ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

**Сана: 21.12. 2004** **Ссуда № BMZ 2001 65 365**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Германиянинг Kreditanstalt fuer Wiederaufbau (KfW) банки томонидан “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш” лойиҳасини амалга ошириш учун 7,67 млн. евро миқдорида молиявий кўмак №BMZ200165365 маблағлари ажратилган. Ушбу молиявий кўмак маблағларининг маълум қисми лойиҳа доирасида тузиладиган шартномаларни молиялаштириш учун мўлжалланган ва шу мақсадда қуйидаги таклифнома эълон қилинмоқда.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (ЎМКҲТМ), қуйидаги товарларни етказиб бериш бўйича ҳуқуқий ваколатга эга бўлган фирмаларни танлов таклифларини бериш учун таклиф этади.

**Лот 1. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) жиҳозлари (компьютер ва периферия жиҳозларини етказиб бериш, ўрнатиш, бошланғич ўқитиш ҳамда 2 йилга етадиган эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш).**

**Лот 2. Ўқув жиҳозлари ва мебель (жиҳозларни етказиб бериш, ўрнатиш, бошланғич ўқитиш ҳамда 2 йилга етадиган эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш).**

Жиҳозларга сервис/техник хизмат кўрсатиш бўйича шартнома харидор учун қўшимча таклиф тариқасида тақдим этилиши талаб этилади.

Тендер бўйича таклифлар лотларда кўрсатилган барча номдаги ва сондаги жиҳозлар бўйича берилиши лозим. Баҳолаш ва шартнома тузиш ҳар бир лот бўйича амалга оширилади. Халқаро тендер белгиланган тартиблар асосида ўтказилади ва барча тендерда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганлар учун очиқ.

3. Фуқаролигидан қатъи назар барча ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар тендерда ўз таклифлари билан иштирок этишлари мумкин.
4. Тўлиқ тендер ҳужжатларини ЎМКҲТМ, Тошкент, 700100, Бобур кўчаси, 55-уй, ЛАОГ раҳбари А.Абдуллаевдан +998 71 139-44-16 факси ёки kfw_uz@yahoo.com электрон почтаси орқали ёзма сўров асосида, қуйидаги ҳисоб рақамига 75 евро (тўлов ўзбек сўмида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов амалга оширилаётган кундаги белгиланган курси бўйича амалга оширилади ва қайтарилмайди) ўтказиш орқали олиш мумкин:

***Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази,***
***ҳ/р 20203840103761981002,***
***МФО 00423,***
***ИНН 202515618,***
***“Ўзуйжойжамғармабанк” Меҳнат бўлими.***
***Банк манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 9-уй.***

5. Тендер ҳужжатларини алтернатив равишда GOPA Consultants, Hindenburgring 18, Bad Homburg, жаноб П. Римерсмадан, 0049-6172-930550 факси ёки Pieter.Riemersma@gopa.de электрон почтасига ёзма сўров асосида, GOPA Consultants номига 75 евро миқдоридаги тўлов чекини (Verrechungsscheck) (crossed check) юбориш орқали олиш мумкин.
6. Тендер таклифлари GOPA Consultants нинг юқорида кўрсатилган манзилига 2005 йилнинг 14 февраль куни 12.00 гача (Германия вақти билан) тендер таклифи берилган евродаги сумманинг камида 1,5 фоизи миқдорига банк кафолати билан бирга етказилиши шарт. Тендер таклифлари GOPA Consultants нинг юқорида кўрсатилган манзилда 2005 йилнинг 15 февраль куни соат 14.00 да (Германия вақти билан), қатнашиш истагини билдирган тендер иштирокчилари вакиллари қатнашувида очилади.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази,**
**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700100, Бобур кўчаси, 55-уй.**
**Факс: +998 71 139-44-16. Телефон: +998 71 139-40-92.**
**e-mail kfw_uz@yahoo.com**
*Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари А.Абдуллаев.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ

### *“ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” ЛОЙИҲАСИ*

### ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ТАКЛИФ

**Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) томонидан “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш” лойиҳасини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасига қарз маблағи ажратилган. Мазкур маблағнинг бир қисми лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишини молиялаштириш учун сарфланиши кўзда тутилган. Шунингдек, шартнома Ўзбекистон Республикаси билан биргаликда молиялаштирилади.**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги ОТБ лойиҳасининг бошқарув гуруҳи (кейинги ўринларда Буюртмачи) лойиҳалаштириш-консалтинг хизматлари учун лойиҳалаштирувчи ташкилотлар малакасини олдиндан аниқлашни амалга оширади. Лойиҳалаштирувчи ташкилотларни танлаб олиш ва ёллаш “Осиё Тараққиёт банки ва унинг қарздорлари учун маслаҳатчиларни ёллаш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

**Хизматлар ҳажми:**

— *халқаро танлов савдоларини ўтказиш учун ОТБ нинг стандарт танлов ҳужжатларига сув таъминоти бўйича ишчи ҳужжатларини;*
— *маҳаллий танлов савдоларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг стандарт танлов ҳужжатларига сув таъминоти ва санитария бўйича ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.*

**Қизиқиш билдирган ташкилотлар қизиқишлари тўғрисида ариза ва қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:**

— *ташкилот тўғрисида қисқа маълумот;*
— *сув таъминотида лойиҳа ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўйича тажриба (Охирги икки йил давомида амалга оширилган лойиҳа ишлари рўйхати, лойиҳа номи ва шакли, буюртмачи, ҳажми ва қийматини ўз ичига олган маълумотлар тақдим этиш сўралади);*
— *хорижий/маҳаллий тажриба ёки халқаро ташкилотлар билан ишлаш тажрибаси;*
— *техник имкониятлар (компьютер, керакли дастур таъминоти, инглиз тилида ҳужжатлар тайёрлаш имконияти);*
— *тегишли органларда рўйхатдан ўтказилганлиги ва ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқиш учун лицензия (лицензия/гувоҳнома нусхасини илова қилиш сўралади).*

Буюртмачи қизиқиш тўғрисидаги аризани тайёрлаш ва тақдим этиш юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай харажатларни қоплаш мажбуриятини олмайди.

Қизиқиш тўғрисидаги ариза ҳам инглиз, ҳам рус тилларида 2005 йил 10 январь соат 17.00 га қадар буюртмачининг қуйидаги манзилига тақдим этилиши лозим:

**Ташкилот номи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.**
**Кимга: Иқтисодиёт вазири ўринбосари А.Х. Салимовга.**
**Кўча ва рақами: Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-А уй.**
**Шаҳар: Тошкент.**
**Индекс: 700003.**
**Мамлакат: Ўзбекистон Республикаси.**
**Телефон: + 998 71 132-65-13.**
**Факс: + 998 71 132-64-97.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### Қарз № 1903

### *“ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” ЛОЙИҲАСИ*

### Танлов савдосида қатнашиш учун таклиф

Мазкур таклиф Осиё Тараққиёт банки (ОТБ)нинг 2004 йил ноябрь сонидаги “Бизнес имкониятлари”да келтирилган лойиҳа учун асосий харидлар билдиришномасидан сўнг ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш” лойиҳасини амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт банкидан қарз маблағи олинган. Ушбу қарз маблағининг маълум қисми мазкур танлов савдоси натижасида тузиладиган шартномани молиялаштириш учун ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги ОТБ лойиҳасининг бошқарув гуруҳи (кейинги ўринларда Буюртмачи) қуйидаги товарларни етказиб бериш учун ваколатли компаниялардан муҳрланган танлов таклифларни тақдим этишга таклиф этади:

**Шартнома Е21-экскаваторлар**

| Лот № | Товарлар | Микдори |
|---|---|---|
| 1 | Ғилдиракли экскаваторлар орқа курак билан юк солувчи | 10 |
| 2 | Ғилдиракли экскаваторлар | 7 |

(Қўшимча маълумотлар ва техник талаблар талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатида берилган)

Халқаро танлов савдоси ОТБ нинг бир босқичли, битта конвертли усулида амалга оширилиб, ваколатли давлатларнинг барча қатнашчилари учун очиқдир. Танлов савдоси алоҳида лот ёки лотлар йиғиндиси учун ўтказилади.

Қизиқиш билдирган иштирокчилар қўшимча маълумотларни буюртмачидан қуйида келтирилган манзил орқали олишлари ва ҳужжатларни текширишлари мумкин.

Танлов ҳужжатининг инглиз ва рус тилларидаги нусхалари қизиқиш билдирган талабгорларнинг ёзма равишдаги аризалари ҳамда қоплаб берилмайдиган 105 000 сўм ёки 100 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини тўлаганларидан сўнг берилади. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўланиши лозим:

**Миллий валютадаги тўловлар (сўм) учун**

Банк номи: “АСАКА” банки
МФО: 00873
Ҳисоб рақам номи: Иқтисодиёт вазирлиги
Ҳисоб рақами: 20204000600101021007
ИНН: 200794961

**Хорижий валютадаги тўловлар учун**

Банк номи: “АСАКА” банки
СВИФТ: ASBKUZ22
Ҳисоб рақам номи: Иқтисодиёт вазирлиги
Ҳисоб рақами: 20204840800101021007

Танлов ҳужжати почта орқали жўнатилиши зарур бўлган ҳолларда талабгорлардан қўшимча 65 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағи олингандан сўнг жўнатилади. Буюртмачи танлов ҳужжатини талабгорларга етказилишида ҳужжатларнинг йўқолиши ва кечикиши учун жавобгарликни олмайди.

Танлов таклифлари 2005 йил 22 февраль соат 15.00 дан кечикмасдан қуйида келтирилган манзилга етказилиши лозим. Танлов таклифларига қуйидаги ижро кафолатлари илова қилиниши лозим:

| Лотлар | | Ўзбекистон Республикаси сўмида | АҚШ долларида |
|---|---|---|---|
| Лот 1. | Ғилдиракли экскаваторлар орқа курак билан юк солувчи | 12 000 000 | 12 000 |
| Лот 2. | Ғилдиракли экскаваторлар | 10 000 000 | 10 000 |

Кечикиб тақдим этилган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Танлов таклифлари қуйида келтирилган манзилда, танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорларнинг вакиллари иштирокида очилади.

Буюртмачи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай харажатларни қоплаш мажбуриятини олмайди.

ОТБ танлов ҳужжати қоидаларига мувофиқ танлов таклифларини баҳолаш жараёнида маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, ОТБ лойиҳасининг бошқарув гуруҳи.**
**700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-А уй.**
**Телефон: +998 (71) 132-65-13. Факс: +998 (71) 132-64-97.**
**Эл. почта: loan 1903@tshtt.uz**
**Иқтисодиёт вазири ўринбосари А. Х. Салимов.**
**Махсус хабарнома ______________________**

## *Ҳурматли пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари!*

**«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ жамоаси сизларни кириб келаётган Янги — 2005 йил билан табриклайди !**

**Янги йилда сизларга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар ҳамда байрам кунлари мароқли дам олишингизни тилаймиз.**

***Янги йил арафаси ва байрам кунларида сизларга қариндошларингиз, яқинларингиз ва дўстларингиз билан дийдор кўришиб келишингиз учун бизнинг қулай поездларимиздан фойдаланишни таклиф этамиз. Бизнинг кассаларимизда барча йўналишларга темир йўл чипталарини харид қилишингиз мумкин.***



**Сизларга кулайлик яратиш мақсадида Янги йил арафаси кунларида ва мактаб ўқувчилари таътили даврида**

**Тошкент-Урганч**
**йўналишидаги №56/55 поезди 2004 йил 20 декабрдан бошлаб ҳафтада икки марта ҳаракатланади.**

**Тошкент-Китоб**
**йўналишидаги №666/665 поезди 2004 йил 19 декабрдан бошлаб кунора ҳаракатланади.**



*Маълумотни Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:*
- «Тошкент-Марказий» вокзали: 199-72-16, 199-77-28;
- Марказий темир йўл агентлиги: 136-48-48, 199-76-27;
- «INTER-SARATON» туристик компанияси: 007, 137-12-19, 137-11-24;
- «Пойтахт» меҳмонхонаси: 120-67-64.

*Темир йўл бу: Хавфсизлик! Қулайлик! Ишончлилик!*

**Услуги лицензированы**

